DEHQONOBOD TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

180400, Dehqonobod tumani, Qorashina shaharchasi, M.Ulug'bek ko'chasi 1-uy, tel:(375) 612-13-31

"31" 03 2020 yil HQ-311/03-sonli Qorashina shaharchasi

Деҳқонобод туманида дам олиш кунларида ярмарка ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш Қоидаларига мувофиқ, туман ҳудудида дам олиш кунлари ярмаркаларни ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Деҳқонобод тумани Деҳқонобод МФЙ ҳудудида жойлашган Деҳқонобод деҳқон (озиқ-овқат) бозори МЧЖга тегишли яшил бозорда шанба ва якшанба кунлари соат 07-00 дан 17-00 гача ярмарка ташкил этилиши белгилансин.

2. Ярмаркаларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилиши;

ярмарка ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилиши;

ярмаркалар учун ажратилган савдо ўринларининг тоза ва тартибли сақланишига сотувчилар маъсул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ярмаркаларда маҳсулотларни сотиш қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин:

товарга оид ҳужжатлар (тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берлиган сотилаётган маҳсулот жисмоний шахс томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига

ажратилган ер участкада етиштирилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги ҳужжат (маълумотнома));

сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар.

4. Деҳқонобод деҳқон (озиқ овқат) бозори МЧЖ (Жебаев):

яшил бозор ҳудуддан савдо ўринларининг бепул берилишини;

ярмарка ўтказилишини оммовий ахборт воситалари орқали кенг ёритишни таъмнласин ва яшил бозор пешойвонига эълонлар жойлаштирилишини ташкил этилишни инобатга олсин.

5. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Раджабов) ҳар якшанба кунлари ярмарка ўтказилаётганлигини ҳамда ярмарка ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилишини ва ярмаркада товарга оид ҳужжатлар мавжудлигини доимий назоратқилсин.

6. Қашқадарё вилоят Давлат санитария эпидемиолгия назорат бошқармаси Деҳқонобод туман филиали (Р.Эшбоев) ярмаркада сотилаётган маҳсулотларнинг турларига қараб жойлаштириш ва улар сифатининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига тўғри келишини доимий назоратга олсин.

7. Туман Ички ишлар бўлими (Ғ.Ҳайдаров) ярмарка ўтказиладиган кунда жамоат тартибини сақлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминласин.

8. Мазкур қарор “Деҳқонобод овози” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг dehqonobodpress телеграм канали ва фейсбукдаги саҳифасига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Эшатов зиммасига юклансин.

Деҳқонобод туман ҳокими **З.Аликулов**